Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 87 (8.977) * 1997 йил 30 июль, чоршанба * Сотувда эркин нархда



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

29 июль куни Президент Ислом Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди.

-- Ўтган ярим йиллик иш фаолиятимиз якунларини таҳлил этар эканмиз, аввало, уларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз, қандай камчиликларга йўл қўйдик, қандай вазифаларни бажара олмадик ва бу нуқсонларни бартараф этиш учун нималар қилишимиз лозимлиги хусусида фикрлашиб олмоғимиз керак, — деди Ислом Каримов. Халқимиз Ватанимиз равнақи, юрт ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Янги иншоотлар қурилиб ишга туширилаётир. Айниқса, ғаллачиликда сезиларли ютуқларга эришилди. Халқимизга, бу ишларга бошқош бўлаётганларга ташаккур айтмоқ лозим. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларда кимлар айбдор, уларни ҳам номба ном айтиб, уларга замон билан ҳамқадам ишлай оласанми, зиммангдаги вазифаларни бажаришга имконинг етадими, дея савол беришимиз керак. Зеро, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, республиканинг барча ҳудудларидаги ишларимиз аҳволини бир хилда ифодалаб бўлмайди. Ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлади, албатта. Шунинг учун ютуқ ёки нуқсонлар ҳақида гапирганда одил бўлишимиз, аниқ далилларга таянишимиз лозим.

Мажлисда таъкидландики, ислоҳотлар бошлангандан буён илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши аҳоли ўсиши суръатларидан юқори бўлди ва 103,9 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш соҳаларида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Чакана товар айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари кўпайиши билан инфляция суръатлари ва нақд пул эмиссияси миқдорлари пасайишига эришилди. Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги дастур изчил амалга оширилмоқда. Айни чоғда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, айрим корхоналарда айланма маблағлар етишмаслиги, баъзи жойларда эмиссия миқдорининг юқорилиги ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Макро иқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, республика давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки бошқаруви раиси Т. Азимов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Бош директори В. Сигедин, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси Ж. Сайфуддинов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: мажлис пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Биз йил бошида ислоҳотларнинг умумий стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, ўз олдимизга муайян вазифалар қўйган, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик асосда янгилашнинг устувор йўналишларини белгилаб олган эдик. Бунда биз 1997 йилга Ўзбекистоннинг сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларидаги ислоҳотлар йўлида олға ташлаётган қадамининг муҳим босқичи деб қараган эдик.

Жамиятимизни тубдан қайта қуриш ва янгилашни амалга оширишда инсон омилига улкан аҳамият берилиб, **1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.**

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш, зарур ҳуқуқий ва моддий асосни барпо этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар икки дастурий ҳужжатда ўз аксини топган. Биринчи ҳужжат -- инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича 1997 йилга мўлжалланган тадбирлар дастуридир. Иккинчиси эса, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастуридир иборат.

Шунинг учун ҳам бугун янги вазифаларни белгилаб олиш ҳақида эмас, балки юқорида тилга олинган дастурларни бажариш ҳақида гап юритишимиз зарур. Олдимизда қандай объектив қийинчиликлар турибди? Дастурларда белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш учун нима қилинди ва қилиниши зарур? Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларга қандай тузатишлар киритиш лозим?

Йилнинг олти ойи натижаларига баҳо берар эканмиз, тўла асос билан қайд қилишимиз мумкинки, жорий йилда олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар асосан амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимиз тузилмаси ва таркиби яхшиланмоқда. Унинг кўпгина соҳа ва йўналишлари жадал суръат билан ўсмоқда. Кўплаб шаҳар-қишлоқларимиз янгича гўзал қиёфага кирмоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг тафаккури, уларнинг турмуш шароити ўзгариб бормоқда.

Азиз дўстлар!

Биринчи ярим йилликда қилинган ишларнинг асосий якунларига кенгроқ тўхталишга рухсат этгайсиз. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда қандай муайян натижаларга эришдик? Ишларга якун ясар эканмиз, бу якундан қандай хулосалар чиқаришимиз лозим?

Биринчи ва энг муҳим якун: биз инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имкон яратмасдан, бу манфаатларни фаол бунёдкор куч сифатида эътироф этмасдан туриб, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тўғри ва изчил ҳаракат қилолмаслигимизни яна бир бор англаб олдик.

Шунинг учун ҳам инсон манфаатларини таъминлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар қай даражада тўла ва муваффақиятли бажарилаётгани алоҳида эътибор талаб қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, бу борада анчагина ишлар қилинди.

Биринчидан. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилаларнинг, ҳар бир алоҳида кишининг турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм ёки бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди.

Шунинг ҳисобидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдамга муҳтож оилаларга эътиборни кучайтириш имкони яратилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўзигагина 10,1 миллиард сўмдан ортиқ нафақа берилди.

Тошкентда ногиронлар соғлиғини қайта тикловчи республика маркази ташкил этилди. Нукусда ҳам худди шундай марказни ташкил этиш бўйича ишлар ниҳоясига етмоқда.

Давлат уй-жойга ҳақ тўлашга кетган харажатларнинг бир қисмини, энг аввало, коммунал хизмат учун қисман ҳақ тўлашга кетган харажатни қоплаш борасида ҳам маълум даражада ёрдам кўрсатмоқда. Биринчи ярим йилликда бу мақсадлар учун 653 миллион сўм сарфланди.

Иккинчидан. Бюджет ташкилотлари ходимларига маошларини, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўлаш таъминланмоқда. Бу ҳаётимиздаги одатий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда собиқ иттифоқнинг жуда кўп мамлакатларида бу нарса энг кескин ижтимоий муаммо бўлиб турибди.

Кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари кўп ойлар давомида иш ҳақи олмаган ўқитувчилар, врачлар, ҳарбий хизматчилар ва бюджет ташкилотларининг бошқа ходимларига маош, пенсионерларга нафақа беришни таъминлаш бўйича қилинаётган хатти-ҳаракатларни катта ютуқ сифатида тақдим этмоқда.

Бу коммунистик режим давридаги «эски анъаналар»ни эслатади: ўзимиз муаммо туғдирамиз-да, сўнгра уни ўзимиз қаҳрамонона ҳал этамиз.

Афсуски, ҳеч ким бу ҳол ўша мамлакатларда ислоҳотлар стратегияси ва биринчи навбатда уларни амалга ошириш йўлини танлашда йўл қўйилган хатолар натижаси эканини тан олмайди.

Биз бундан зарур сабоқ чиқариб олишимиз лозим. Энг аввало, ислоҳотларнинг мақсади ва амалга оширилишини янада чуқурроқ, танқидий назар билан таҳлил этиш даркор. Бу жараённи баҳолашда, ислоҳотларни амалга оширишнинг энг маъқул йўлларини қидиришда хато қилмаслик керак. Айрим муаммоларнинг ечими оғир, таназзул ҳолатига тушиб қолишини кутиб ўтирмаслик зарур.

Учинчидан. Ижтимоий соҳани, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу мақсадда 38,4 миллиард сўм капитал маблағ ёки умумий капитал маблағлар ҳажмининг 39 фонзи ўзлаштирилди.

3 миллион квадрат мертга яқин уй-жой, шундан 2,8 миллиони қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

Бир навбатда 4 минг беморга хизмат кўрсатувчи поликлиникалар, 13,6 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилди. Ҳисобот даврида 2,1 минг янги маиший хизмат объекти очилиб, хизматнинг 18 та тури ўзлаштирилди. Аҳоли пунктларини газлаштириш ва сув билан таъминлаш дастурларига мувофиқ, 2,3 минг километр газ, 633 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу 1996 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда анча кўпдир.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқлар қиёфаси ўзгарди ва ободонлашди.

Тошкент шаҳрида қўлланган «Тошуйжойжамғармабанк» сертификатлари бўйича уй-жой қуриш тажрибаси яхши самара берди.

Қисқа вақт мобайнида 4 мингдан зиёд шаҳар аҳолисига банкда жамғарма ҳисоб-варақлари очилди. Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплаш йўли билан 500 га яқин шинам квартира қурилиб, сотилди.

Ҳозирги кунда 1,5 минггa яқин ана шундай квартира қурилиши давом этмоқда. Бу қурилишлар қийматининг етишмаётган қисмини қоплаш учун банк томонидан тўлов муддати 10 йилга узайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Уй-жой сотиб олишнинг бундай шаклига аҳоли катта қизиқиш билан қарамоқда. Буни инобатга олиб, мазкур тажрибани барча вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда барча вилоят марказларида ўз ҳудудий бўлимларига эга бўлган Ўзбекистон уй-жой жамғарма банки ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бу бўлимлар фаолиятини зудлик билан йўлга қўйиши керак. Банк сертификатлари бўйича қурилаётган уйлар учун ўз вақтида ер майдонлари ажратилишини таъминлаш, тегишли муҳандислик коммуникациялари барпо этишда ҳар томонлама ёрдам беришлари зарур.

Тўртинчидан. Республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шаклланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Олий Мажлис қошида Амалдаги қонунлар мониторинги институти фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилаётир.

Ўзбекистонда ўтказилган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қонуний асосларига бағишланган илмий-амалий конференция ва «Ўзбекистонда Омбудсман институти: тажриба ва муаммолар» мавзуидаги «Давра суҳбати» халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди.

Хорижий олимлар, мутахассислар, ҳуқуқ ҳимоячилари шу нарсага амин бўлдиларки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари нафақат конституцион жиҳатдан пухта ҳимоя қилинган, балки у давлат ҳокимияти ва қонуннинг бор қудрати билан ҳақиқий равишда кафолатланмоқда.

Кейинги вақтларда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш борасидаги ишлар сезиларли даражада фаоллашди. Кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилди.

Юристлар малакасини ошириш маркази, шунингдек, Тошкент юридик институти қошида жойларда филиалларига эга бўлган Ҳуқуқий тарғибот маърифат маркази ташкил этилди.

Эндиги вазифа ана шу ташкил этилган марказлар ўзларига юклатилган вазифаларни тўла равишда амалга оширишларидан иборатдир.

Бешинчидан. Миллий анъаналар ва маънавиятни тиклаш, инсоннинг маданий-маънавий ва интеллектуал манфаатларини рўёбга чиқаришга катта аҳамият бермоқ лозим.

Июнь ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида қадимий шаҳарларимиз, гўзал Бухоро ва Хивани нинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент халқаро кинофестивали катта маданий воқеа сифатида кўп мамлакатлар киночиларининг эътиборига сазовор бўлди. Уларнинг кўпчилиги бу анжуманда қатнашди.

Миллий тасвирий ва амалий санъатни тиклаш ва янада ривожлантириш, кишиларнинг тасвирий санъат, халқ ижодиёти хазиналаридан баҳраманд бўлишига шароит яратиш мақсадида Бадиий академия ташкил этилди. Мамлакатимизнинг театр-маданий ҳаёти анча бой ва қизиқарли бўлиб қолди. Кўплаб театрларнинг репертуари тубдан янгиланди.

Етакчи театрлар саҳналарида мамлакатимиз тарихини ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи кўплаб спектакллар премьераси муваффақият билан ўтди. Халқ ижодиёти, миллий хореографияни қайта тиклашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси шуни қайд этадики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан назоратнинг сусайтирилганлиги натижасида жисмоний ва юридик шахслар озиқ-овқат маҳсулотларини мувофиқлик ва сифат сертификатлари бўлмаган ҳолда, белгиланмаган жойларда ва жиҳозланмаган савдо нуқталарида амалдаги санитария нормалари ва савдо қоидаларига риоя этмасдан сотиши фактлари ҳамон мавжуддир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, савдо-сотиқнинг зарур санитария шартларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли соғлиғига зарар етказиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этишда тегишли тартиб ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 августидан бошлаб ун, қанд-шакар, ўсимлик ёғи ва сариёғ, қуруқ сут ва болалар овқатини чакана ва майда улгуржи тартибда сотиш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, фақат турғун савдо корхоналари томонидан амалга оширилади ва бунда мувофиқлик ҳамда сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддати, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари мавжудлигини, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларни кўзда тутувчи савдо қоидаларига риоя этилиши шарт.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш чоғида уларга республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг 1997 йил 23 апрелдаги 1318/1218-сон қарорининг савдо корхоналари ва ташкилотлари учун 20 фоизгача миқдорда рентабелликнинг энг юқори даражаси бўйича чеклашларни жорий этиш қисмидаги шартлари татбиқ этилади.

Мана шу шартларга риоя этилмаган тақдирда товар олиб қўйилади, унинг сотувчиларига нисбатан эса амалдаги қонунларга мувофиқ қатъий маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Қарорнинг 1- ва 2-бандлари бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари зиммасига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 1-бандда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари турғун савдо нуқталаридан ташқарида, шунингдек, амалдаги савдо қоидаларини бузиб сотилаётган ҳолларда ана шу маҳсулотлар савдосини тўхтатиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллансин, ҳатто маҳсулотларни олиб қўйиб, кейинчалик уларни қонунларда белгиланган тартибда мусодара қилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мусодара этилган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли суд органларининг қарорлари асосида 10 кун муддатда баҳоланиши ҳамда махсус дўконлар орқали сотишга юборилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов ва Давлат солиқ қўмитаси (В.Беганов) зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 июль.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Виль Беганов Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинланди. Шамиль Гатаулин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинди.
- Республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлис бўлди.
- Норин туманидаги Норинкапа қишлоғида замонавий лимонад заводи ишга туширилди. Бунинг учун 15 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.
- Навоий вилоятининг солиқ бошкармаси декабрь ойида яхши ва ёмон солиқ тўловчилар танловини ўтказишга қарор қилди. Танловда фақат юридик шахслар қатнашади.
- Исломободда Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шуҳрат Қобилов Покистон Ислом Республикаси Президенти Фарук Аҳмад Хон Легхарига ишонч ёрлиғини топширди.
- Парижда Елисей саройида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тоҳир Мамажонов Франция Республикасининг Президенти Жак Ширакка ишонч ёрлиғини топширди.
- Бельгия пойтахтида Европа Иттифоқи (ЕИ) билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва Оралиқ битим доирасида «Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» қўшма қўмитасининг мажлиси бўлди.
- Конго Президенти мухолифатчиларга агар улар норозилик ҳаракатларини давом эттирадиган бўлсалар энг қаттиқ чоралар кўрилишини айтди.
- Минскда мухолифат юришлари ва митинглари қатнашчиларидан 30 га яқин киши ушланди. Улар орасида Халқ фронтининг раиси Станислав Гусак ҳам бор.
- ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель кеча икки кунлик ташриф билан Украинага келди.
- Туркиянинг Истанбул шаҳрида биринчи Халқаро болалар фестивали якунланди. Унда қатнашган Ўзбекистоннинг «Умид» ансамбли биринчи ўринни эгаллади.
- Қирғизистон аҳолини рўйхатга олишга тайёрланмоқда. Бунинг учун у халқаро ташкилотлардан керак бўладиган 7,5 миллион долларни олиш умидида.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ / БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ТЕНДЕР

Тадбиркор жаноблар!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссияси Навоий кўчаси бўйича реклама жойларининг тендерини ўтказади.

Тендерни ўтказиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Тошкент Халқаро Бизнес Марказининг «Реклама — Сервис» хизматидан ушбу телефонлар: 54-04-87, 55-56-33, 133-27-07, 136-33-31, факс 55-15-57 дан олиш мумкин.

Тендерда қатнашиш учун буюртмалар 1997 йил 5 августгача қабул қилинади.

АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қисқача айтганда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича дастурда белгиланган тадбирлар, бу дастурнинг асосий қоидалари амалга оширилмоқда, деб хулоса қилишга ҳамма асослар бор.

Айни вақтда инсон манфаатлари йўлида белгиланган барча тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз, бу борада қаерда оқсоқликка йўл қўйилаётган бўлса, уни зудлик билан бартараф этишимиз лозим.

Бу, аввало, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича тузилган дастурларга тегишлидир. Йиллик дастурда белгиланган ўқувчи ўринларини ташкил этиш бўйича топшириқ атиги 18 фоизга, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш бўйича эса ундан бирига бажарилган.

Касалхоналарнинг қурилиши ва техник жиҳатдан жиҳозланиши ҳам чўзилмоқда.

Қишлоқ жойларида сув узатиш тармоқларини қуриш масаласига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу борада биринчи ярим йилликда бутун йилга мўлжалланган иш ҳажмининг атиги 30 фоизи бажарилган, холос.

Ижтимоий аҳамиятга молик иншоотларни топширишни йил охирига суришдек ёмон иллат ҳамон давом этмоқда.

Дастурда Туямўйин-Урганч, Туямўйин-Нукус, Дамхўжа, Крестянск, Зарафшон-Жиззах, Амударё-Зарафшон худудлараро сув тармоқлари қурилишини тезлаштириш кўзда тутилган эди. Амалда эса, биринчи ярим йилликда Навоий-Бухоро сув узатиш тармоғининг бор-йўғи 10 километри фойдаланишга топширилган, холос.

Амударё-Зарафшон сув узатиш иншооти қурилиши учун ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш 1- ва 2-шохобчалар бўйича атиги 30 фоизни, 3-шохобча бўйича эса бор-йўғи 14 фоизни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамаси, шахсан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Юнусов, Муҳитдинов, Азизхўжаев ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда қисқа муддатларда ижтимоий масалаларнинг мазкур мажмуида юз берган вазиятни танқидий баҳолаб, дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун аниқ чора-тадбирларни белгилашлари, мазкур топшириқ ижроси ҳақида бир ой ичида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беришлари зарур.

Муҳтарам дўстлар!

Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошира борганимиз туфайли, биз инсон манфаатларини таъминлаш Дастурининг муҳим вазифаларини бажаришга эришдик.

Ярим йилликни якунлаб, қилинган ишларга баҳо берарканмиз, биз яна бир бор, танлаган йўлимиз тўғри, устувор мақсад ва вазифаларимиз аниқ, дейишга ҳақлимиз.

Хўш, уларни амалга ошириш борасида қандай муайян ишлар қилинди, биз кўзланган мақсад сари қай даражада олға силжидик?

БИРИНЧИ. **Бугунги кунда биз ўтган йили макроиқтисодий барқарорлик соҳасида эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлабгина қолмай, барқарор иқтисодий ўсиш учун шароит ҳам яратдик.** Бу нимада кўринади?

Биринчидан. Агар 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини 1,6 фоизга таъминлаган бўлсак, бу ярим йилликнинг ўзида у 3,9 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулот биринчи марта аҳоли сони кўпайишидан тезроқ ўсди, бу эса унинг аҳоли жон бошига қараб ишлаб чиқарилишини кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсиш таъминланди: саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги -- 22,8 фоизга, транспорт ва алоқа -- 1,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари -- 1 фоизга, чакана товар оборoти -- 13,5 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 18,1 фоизга ошди.

Ютуқларимиз ҳақида гапирар экансиз, мен, аввало, республикамизнинг ғаллакор деҳқонлари эришган муваффақиятларни алоҳида миннатдорлик билан қайд этишни истардим. Улар фидокорона меҳнати билан улкан хирмон кўтармоқдалар. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Иқтисодиётимизнинг 1997 йил биринчи ярмидаги ўсиш суръатлари ҳақида сўз борар экан, бир муҳим масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Бугунги кунда собиқ совет ҳудудидаги кўпгина давлатлар ўзларида кўзга ташланаётган барқарорлик ва ўсиш суръатларини катта мамнуният билан қайд этмоқдалар. Бироқ улар бу ўсиш қайси асосга таққосланиб олинаётгани тўғрисида гапиришни унчалик исташмайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган йилларда ялпи ички маҳсулотнинг камайиш суръатлари энг кам бўлган, саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса 1990 йил даражасига нисбатан 1996 йилда ўсиш кўзга ташланган Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида яккаю ягона мамлакатдир.

1996 йилги асосий даража 1991 йилга нисбатан 40 фоиздан ошмайдиган, айрим мамлакатларда эса 25 фоиздан ҳам ошмайдиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳақида гап кетганида ўзгача аҳвол кўзга ташланади.

Кўриниб турибдики, ўтган йилги кескин тушиб кетган даражага нисбатан айрим жиндайгина ўсишни ҳам барқарорлик ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти деб баҳолаш мумкин экан.

Иккинчидан. Макроиқтисодий барқарорликни вужудга келтириш бўйича қўлланилган чора-тадбирлар инфляция даражасини 1996 йил декабридаги 13 фоиздан бу йил май ойида 2,9 фоизга, июнь ойида эса ҳатто минус даражасига-3,1 фоиз қадар кескин камайтириш имконини берди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси ярим йилликда айрим халқаро молия ташкилотларининг ҳисоб-китоблари бўйича 7 фоиз кутилгани ҳолда, 3,5 фоизни ташкил этди.

Бироқ, шуни тан олиш керакки, инфляциянинг ҳозирги даражаси биз ҳисоб-китобларимизда кўзда тутганимиздан кўра бироз баланд. Шунинг учун ҳам иккинчи ярим йилликда инфляцияга қарши қатъий монетар сиёсат олиб боришга тўғри келади.

Учинчидан. Биринчи ярим йилликда кредит ва нақд пул эмиссиясининг ўсишига йўл қўймаслик бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Натижада нақд пул эмиссияси ҳажми биринчи ярим йилликда ҳисоб-китобларда кўзда тутилган 17,5 фоиз ўрнига 6,1 фоизни ташкил этди.

Иккинчи чоракда Тошкент шаҳрида, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пулни муомаладан олиб қўйишга эришилди.

Шу билан бирга, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида эмиссия даражаси жуда баландлигича қолмоқда.

Пулни қайтариб оладиган асосий манба -- савдо соҳаси тўла хусусийлаштирилган. Лекин шунга қарамай, савдо фаолиятида ўзгариш жуда кам. Савдо ходимлари аввалгидай сунъий равишда яратилган тақчиллик ҳисобига пул ишлаб олиш ниятида қолмоқда. Минг афсуски, уларнинг аксарияти майда тижоратчи, тўғрироғи, олибсотарлик савиясидан юқорига кўтарилолмаяпти.

Бугунги кунда савдо тармоғи бозор иқтисодиётининг тамойилларини ифодаловчи соҳа сифатида ҳали ўзини кўрсата олгани йўқ. У талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ва авваламбор, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қизиқишнинг ошишини таъминлай олмаяпти.

Бу соҳа ўз фаолиятини истеъмол моллarини импорт бўйича харид қилишга йўналтиришни афзал кўрмоқда. «Ўзбексавдо» тизимидаги савдо ташкилотлари ўзининг импорт озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдаги устун монополистик мавқеидан фойдаланиб, эски тизимнинг тақсимлаш усулини яна тиклаш ҳаракатига тушмоқда. Бу ҳолат дефицит деган эски балони бошимизга олиб келиб, нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишига имкон беради ва одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади. Бундай аҳволга чидаб бўлмайди. Бу соҳага жавобгар ва бу соҳани кузатувчи мутасадди раҳбарлар жавобини берсин.

Давлат эҳтиёжларини қондириш учун озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни танлов, тендер асосида харид қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, ўз маҳсулотини етказиб берадиганларга кенг йўл очиш, воситачи даллоллар сонини қисқартириш зарур. Аввало, харидорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополияни тугатиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси қаёққа қараяпти, деган савол туғилади.

Бу ишга масъул бўлган Султонов, Усмонов икки ҳафталик муддатда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини тайёрлашлари керак.

ИККИНЧИ. **Биз 1997 ва ундан кейинги йилларда иқтисодиётда туб таркибий янгиланишларни амалга оширишни стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаб олганмиз.**

Биринчи ярим йилликда бу йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича анчагина ишлар қилинди. 100 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 15 фоиз кўпдир. Хорижий сармояларни ўзлаштириш сезиларли даражада ошди. Унинг умумий улуши 15,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Барча сармояларнинг 61 фоиздан ортиқроғи ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга сарфланди. Биринчи ярим йилликда «Кўкдумалоқ» конига хизмат қиладиган компрессор станцияси ишга туширилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Республика телекоммуникацион тармоқлари модернизация қилинмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат объектлари ташкил этилмоқда.

Тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал ва консерва саноатида бир қанча қўшма корхоналар қурилмоқда. Транспорт ва йўл қурилиши, аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ соҳа янгиланишлари дастурини амалга ошириш йўлида бир қанча жиддий муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биринчидан. Моддий бойликларни ҳисобга олиш ёмон ташкил этилгани, кўпинча смета ҳужжатлари тасдиқланмасдан иш бошланиши, қурилишнинг қимматлашиб бориш омилларини белгилашнинг аниқ усули йўқлиги туфайли капитал маблағларни ортиқча сарфлаш ҳоллари юз бермоқда. Биргина бюджет қурилишлари бўйича капитал маблағларнинг ажратилган лимитлари қарийб 4 миллиард сўмдан ортиқ сарфланган.

Иккинчидан. Республиканинг пудратчи қурилиш ташкилотлари бозор муносабатларига жуда секинлик билан мослашмоқда. Ортиқча сарф-харажатлар шу қадар кўпки, улар пудратчи ташкилотларимизни ҳатто ички бозорда ҳам рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўймоқда. Йирик объектлар қурилишига ажратилган кўпгина тендерларни хорижий компаниялар ютиб кетмоқда.

Натижада биз қурилиш қувватларимизни тўла ишга сололмаяпмиз. Ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишларга ҳам четдан келган қурувчиларга катта-катта валюта маблағларини ажратишга мажбур бўляпмиз.

Учинчидан. Инвестиция дастурини амалга оширишда банкларнинг иштироки жуда заиф. Банкларнинг кредит улуши ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан атиги 3,6 фоизни ташкил этди. Бу нафақат кичик ва ўрта корхоналарнинг, балки Қизилқум фосфорит комбинати, спирт заводлари ва республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йирик объектларнинг ривожланишига ҳам тўсиқ бўлади.

Тўртинчидан. Бир қанча объектларда қувватларни ишга тушириш муддатларига риоя қилинмаяпти. Мисол учун, етарли маблағ ажратилмагани туфайли Трансосиё-Европа тола-оптика алоқа линияси биринчи босқичининг қурилиши тугалланмаган. «Ўзбекҳўғоз» акционерлик жамиятида целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш чўзилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Макроэкономика ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир қанча объектлар қурилишининг қимматлашишига, капитал маблағларни ортиқча сарфлашга олиб келган сабабларни диққат билан ўрганиши керак. Ажратилган маблағлардан айни мақсад йўлида фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар киритиши зарур.

Иккинчи ярим йилликка мўлжалланган инвестицион дастурни молиявий таъминотнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириши даркор.

УЧИНЧИ. **Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш даражасини бутунлай янги босқичга кўтариш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаси қилиб белгиланган.**

Шу мақсадда Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантирувчи республика кенгаши ташкил этилган. Хусусий ва кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон (фермер) хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ўта соддалаштирилган. Хусусий банклар барпо этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида Фармон қабул қилинган. Шу соҳага алоқадор кўпгина тармоқларга давлат томонидан, авваламбор, солиқ масаласида қулай имтиёзлар берилган.

Қабул қилинган қарорлар янги кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилишига ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашди. Бу йилнинг ўзида қарийб 12 минг янги кичик бизнес корхонаси барпо этилди. Уларнинг умумий сони эса қарийб 111 мингга етди. Учта хусусий банк ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда, бир қанча банклар эса рўйхатдан ўтиш арафасида турибди.

Нодавлат секторда банд кишилар улуши 74 фоизни ташкил этади. Тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромад улуши ҳам ошмоқда. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир ишбилармонликдан тушган даромад улуши аҳолининг барча даромадларининг 36 фоизини, шахсий хўжаликдан тушган даромад 15 фоизини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан тушган даромад 7 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Буларнинг барчаси кичик ва хусусий бизнеснинг мавқеи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Бироқ биз кичик ва ўрта корхоналар ҳали ўзларига муносиб ўринни эгалламаганини тан олишимиз керак. Уларнинг оёққа туриши ва самарали фаолият кўрсатишига халақит берадиган жуда кўп тўсиқлар бор. Жойларда амалдорлар, мутасадди фаоллар томонидан бу муҳим, эртанги кунимизни ҳал қилувчи масалага эътибор ва масъулият йўқ. Кўп жойларда бюрократик ёндашиш, зўравонлик ва таъмагирлик ҳолатларидан ҳали-бери ажралганимиз йўқ. Тадбиркорларнинг бу масалада қонунни яхши билмаслиги ҳам панд бермоқда.

Республикада ҳали бизнес мактаблар, бизнес-инкубаторлар, юридик ва консалтинг фирмалар тармоғи кенг ривожланмаган. Ҳолбуки, улар ишни энди бошлаётган тадбиркорларга ёрдан бериши, уларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши мумкин эди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга турли халқаро молия ташкилотлари орқали 350 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий сармоя жалб этилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича сармоя лойиҳаларини танлаб олувчи махсус ишчи комиссиялари тузилган эди. **Бироқ экспертизадан ўтиш ва кредит олиш жараёни жуда мураккаб ва узоқ вақт талаб қилади**. Орадан анчагина вақт ўтишига қарамай кўпчилик лойиҳалар ҳали ҳам ё танлаб олиш, ё комплекс экспертиза босқичида турибди.

Ҳукумат тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган маблағларни, энг аввало, хорижий маблағларни фаол жалб этишга тўсиқ бўлаётган сабабларни батафсил таҳлил этиб, тегишли механизмлар ишлаб чиқиши зарур.

Яна бир жуда муҳим муаммо. Йил бошида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури қабул қилинган эди.

Ҳисоботларга қараганда, бу дастур муваффақиятли бажарилмоқда. Бироқ, хусусийлаштириш жараёнида айнан нималар ўзгаряпти, деган савол туғилади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўзгаришлар унчалик кўп эмас. Бошқарувнинг ўша эски маъмурий-буйруқбозлик усули ҳамон сақланиб қолмоқда. Иқтисодий усул ва рағбатлантиришлардан жуда заиф фойдаланилмоқда. Акционерлар бошқаруви тизими амалда ишламаяпти. Кўп ҳолларда уларнинг вазифасини корхоналар раҳбарлари ўзлаштириб олган.

Шунга қарамай, корхоналар ходимлари ва раҳбарларида эгалик ҳиссининг етишмаслиги бош муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган қайта ишлаш тармоқларида бу масалалар қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш масалалари яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида кўриб чиқилиши лозим. **Бу соҳада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш лозим бўлади. Бунда биринчи навбатда қишлоқда хусусийлаштириш, яъни мулк шаклининг ўзгариши, пайчиликни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида шартнома интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар масалаларига жиддий эътибор бермоқ зарур. Вилоят ва туман ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа масъул ижрочилардан бу ҳақда қатъий сўраш фурсати етди.**

ТЎРТИНЧИ. **Кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди.**

Шунга мувофиқ, Солиқ кодекси, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ тушумини кўпайтириш бўйича тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Давлат солиқ ва давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун тайёрлаб қўйилди ва у Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессияларидан бирида кўриб чиқилади.

Ана шу кўрилган чора-тадбирлар бюджетнинг даромад қисмини 103,8 фоизга, харажат қисмини эса 98 фоизга бажариш имконини берди. Асосан қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш ҳисобига бюджет камомадининг каттагина қисми қопланди.

Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, ўзаро ҳисоб-китоб механизмини жорий этиш бўйича тузилган республика ва ҳудудий комиссиялар фаолияти кучайгани боис, тўлов интизоми бирмунча мустаҳкамланди.

Лекин ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу бир қанча ҳолатлар билан боғлиқдир.

Биринчидан. Бюджетга тўловлар бўйича тушум камомади юқорилигича қолмоқда. Вазият солиқ хизмати фаолиятининг мазмунини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Солиқларни яшириб қолганлик учун жазо муқаррарлиги тамойили қаерда қолди? Солиқ тўлаши шарт бўлганларнинг барчаси устидан назорат ўрнатилганми? Солиққа тортиладиган базанинг тўлиқ эканига кафолат борми?

Биз кўпинча майда солиқ тўловчилар ортидан қувамиз. Чунки бу ерда таъмагирлик қилиш имкони бор. Айни вақтда йирик солиқ тўловчиларнинг даромадни яшириши, солиқларни тўлиқ тўламаслиги каби иллатлардан кўз юмамиз.

Иккинчидан. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласи ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Шу йилнинг 1 июнигача бўлган дебиторлик қарзлари 129,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 33,9 миллиарди тўлов муддати ўтиб кетган қарзлардир. Кредиторлик қарзлари 169,8 миллиард, шундан муддати ўтиб кетгани -- 49,5 миллиард сўмдир.

Дебиторлик қарзларининг катта қисми Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» ҳиссасига тўғри келади.

Учинчидан. Корхоналар ва уларнинг раҳбарлари ўз. айланма маблағларини сақлаш ва кўпайтириш масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Ўзаро тўловлар амалга ошмаётганининг асосий сабаби айнан мана шундадир.

Йилнинг бошида етишмаётган айланма маблағлар ҳажми 68,6 миллиард сўмни ташкил этган эди. Шунинг бир қисмини тўлдириш мақсадида, биз бу йил 31,4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратишга мажбур бўлдик.

Айни вақтда кўплаб корхоналарда тайёр маҳсулот қолдиги нормативларига риоя қилинмаяпти. Тугалланмаган ишлаб чиқариш, ҳаддан зиёд ишлаб чиқариш заҳиралари тўплаш, ўзига хос бўлмаган ишларни бажариш кўплаб маблағларнинг бошқа ёққа оқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Дебиторлик қарзларини ундириб олишда масъулият ҳис этилмаяпти, қатъият кўрсатилмаяпти.

Тўртинчидан. Махсус тузилган ҳукумат комиссиялари, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита, Хўжалик суди банкротга юз тутган корхоналарга нисбатан қатъиятсизлик қилмоқда.

Банкротга учраган корхоналарни тугатиш борасида қаттиққўллик билан иш олиб бориш лозим. Корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш ва санациялаш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг аниқ жадвалини тузиш лозим.

БЕШИНЧИ. **Биз республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.** Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика кенгаши тузилган, хорижга маҳсулот экспорт қилиш билан шуғулланадиган корхоналар учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган.

Шу йилнинг биринчи ярмида жами ташқи савдо оборoти 13,8 фоизга кўпайганига қарамай, экспорт базасини кенгайтириш борасидаги ишларни қониқарли деб эътироф этишга асос йўқ.

Ярим йиллик экспорт ҳажми йиллик режанинг атиги 37 фоизини, шу жумладан, марказлаштирилмаган манбалар бўйича бор-йўғи 28,5 фоизини ташкил этди.

Мана шундай ҳолда ускуналар ва материалларни импорт қилиш, ташқи валюта кредитларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Улар қайси валюта маблағлари ҳисобидан тўланиши ҳақида эса ҳеч ким бош қотирмаяпти. «Ўзкимёсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзнефтгаз», «Ўзметкомбинат» корхоналари маҳсулотни экспорт қилиш бўйича белгиланган топшириқларни бажармаяпти. «Ўзбекбирлашув», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзқишлоққўзаликмаш-холдинг» ва бошқаларда экспорт бўйича топшириқни бажариш юзасидан ишлар деярли йўлга қўйилмаган. Бунинг ўрнига айнан шу идоралар хомашё, материал ва жиҳозларни кўплаб импорт қилмоқда.

Импорт тузилмасида 47 фоиздан ортиқ маблағ машина ва жиҳозларни, 14,5 фоиз маблағ кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишланган маҳсулотларни харид қилишга сарфланмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, шу йилнинг 1 июлига қадар 6,9 миллиард сўмлик ускуна ўрнатилмаган. Шундан 6,2 миллиард сўмлиги хориждан келтирилган жиҳозлардир.

Ўрнатилмаган ускуналарни инвентаризациядан ўтказиш, валюта маблағларини совуришга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш лозим.

Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши (Ў.Султонов) икки ҳафта муддат ичида йил охиригача экспорт бўйича келтириладиган маҳсулотлар ва импорт харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш бўйича таклиф киритиши зарур. Бу борадаги етишмовчиликка барҳам бериш керак.

Яна бир масала борки, у алоҳида таҳлилни тақозо этади. Биз хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар тузиш ва уларни ривожлантиришга нечоғли аҳамият бераётганимиз яхши маълум. Биз ҳар бир корхона хорижий ҳамкорлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши тарафдоримиз. Улар учун энг қулай шарт-шароит яратилган. Кенг имтиёзлар тизими жорий этилган, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Бу ишларнинг барчаси қўшма корхоналар рақобатбардошли бўлиши, жаҳон бозорига бевосита чиқа олиши, ўз маҳсулотини фаол равишда экспорт қила олиши учун амалга оширилмоқда.

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: қўшма корхоналар нима беряпти, **уларнинг улуши қандай? Бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ярим йилликда 4,3 марта ортганига қарамай, уларнинг маҳсулот экспорт қилишдаги ҳиссаси атиги 6,9 фоизни ташкил этган, холос. Айни вақтда уларнинг импорт таркибидаги улуши қарийб 38 фоизга етган.**

Бошқача айтганда, уларнинг импорт бўйича олган маҳсулот ҳажми экспорт қилганидан анча ортиқдир. Бу борадаги фарқ ярим йилликда 747,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу экспортни рағбатлантириш республика кенгаши чуқур ўрганиб чиқиши лозим бўлган ғоят жиддий масаладир.

Биз бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Экспортни кенгайтиришни рағбатлантирадиган таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш керак. Экспортга маҳсулот тайёрлаш дастурини бажариш борасидаги масъулиятни ошириш лозим. Экспорт салоҳиятини кучайтириш дастурини тайёрлаш ишларини тезроқ тугаллаш зарур.

Бугунги кунда божхона ишларининг такомиллашмагани сабабли, контрабанда товарлари кириб келишидан, божхона тўловлари қам тушаётганидан республика сезиларли даражада зарар кўрмоқда.

Божхона кодекси, Божхона тарифлари тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ишларини жадаллаштириш зарур. Яқинда ташкил этилган Давлат божхона қўмитаси божхона сиёсатини амалга ошириш, божхона қонунчилигига риоя этишни назорат қилиш борасидаги ишларни кучайтириши керак.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, ярим йиллик якунлари ва кўзда тутилган дастурларнинг бажарилишини танқидий баҳолар эканмиз, бунга ўнлаб сабаблар топишимиз, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ишимиздаги камчилик ва алоҳида вазифаларнинг бажарилмаганлигини шу билан изоҳлашимиз мумкин.

Бу сабабларни бизнинг хоҳиш-иродамиз, масъулиятимиз ва интизомимиздан, бир сўз билан айтганда, имконият ва интилишларимиздан ташқари, объектив сабаблар деб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

Лекин ҳамма нарса бизнинг тадбиркорлик, ташкилотчилик ва фаоллигимизга, малакамизга, билим ва қобилиятимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Кўплаб корхона ва тузилмаларимизда, биринчи навбатда бошқарувнинг юқори поғоналарида ишлаётганлар бозор иқтисодиётининг энг муҳим жиҳатлари -- менежмент ва маркетинг тўғрисида ҳамон тасаввурга эга бўлмаса нима қилиш керак?

Ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб бўғинлари, айниқса, ўрта ва қуйи бўғинларида юзаки амалга оширилаётган, шахсий мулк ва акциялаштириш йўлига кўплаб тўрачилик тўсиқлари қўйилаётган бўлса нима қилишимиз керак? Коррупция ва порахўрлик иллати ҳақида нима деса бўлади?

Ва, ниҳоят, энг муҳими -- кўплаб ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларининг фикрлаш тафаккури жуда секинлик билан ўзгараётгани, улар онгига ишбилармонлик, бозор муносабатларига хос ёндашувлар қийинчилик билан кириб бораётгани сир эмас.

Боқимандалик кайфияти, эскича ишлаш истаги сақланиб қолаётган бўлса ёки улар юқоридан қаттиқ талаб қилингандагина иш моҳиятини эмас, балки фақат шаклини ўзгартираётган бўлса нима қилиш керак?

Аниқ айтишимиз мумкинки, деярли барча қийинчиликлар, муаммоларнинг сабаби ана шунда. Ислоҳотларнинг жойларда жадал кетмаётгани, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўла бажарилмаётганига ҳам сабаб шу.

Мана шунинг учун ҳам тараққиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаригидаги сингари кадрларни шунчаки танлаб, жойжойига қўйиш билан иш битмайди. **Аввало, одамларни, биринчи галда барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак.**

Умуман, мамлакатда иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш учун етарли даражада мустаҳкам қонуний асос мавжуд. Етарли даражада меъёрий асос ҳам яратилган. Улар кейинги пайтда мавжуд шарт-шароит, халқаро тажриба, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки, шунингдек, бошқа халқаро тузилмаларнинг талаблари асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда аниқликлар киритилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда шаклланган ҳуқуқий асос ҳозир амалда татбиқ қилина бошланди.

Шу билан бирга, катта ҳисоб билан олиб қараганда, ижрочилар муаммоси энг заиф муаммо бўлиб қолмоқда. **Иқтисодиётдаги аҳволни танқидий таҳлил этар эканмиз, талай соҳалар, хусусан, кичик бизнес билан боғлиқ барча муаммолар юксак малакали, касб сир-асрорларини пухта ўзлаштирган ташкилотчилар, раҳбарлар йўқлиги туфайли пайдо бўлаётганига қайта-қайта ким бўламиз.**

Бугунги кундаги бу масалада амалий тажрибамизга бир кўз ташлайлик. Иш кетмадими, дарров раҳбарни ўзгартиришга ўрганиб қолганмиз. Айрим тармоқларда раҳбарлар икки-уч мартадан алмаштирилди. Хўш, бу билан нимага эришдик? Натижа қандай бўляпти?!

Келинглар, шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик. Алмаштиришдан осони йўқ, ҳамма бало шундаки, резервда, қайта тақрорлайман, резервда талабга жавоб берадиган ғайратли, билимли одамлар бўлмаса, минг уринмайлик, ҳеч нарса ўзгармайди.

Айтингларчи, раҳбарлар ва тадбиркорлар тайёрлаш билан ҳозир ким шуғулланяпти?

Хусусан, раҳбарлар ва ишбилармонлар тайёрлаш учун хорижга одам юборяпмизми? Агар юборилган бўлса, уларнинг сони қанча? Қайси олий ва ўрта ўқув юртлари кичик бизнес учун кадр тайёрлаяпти? Нега талай мутахассислар, дейлик, биз кўплаб тайёрлаётган агрономлар, зоотехниклар ўз соҳаларида ишламаяпти?

Олий ўқув юртларида, аввало, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик бўйича мутахассис тайёрлайдиган факультетлар очиш пайти етмадими? Ахир, бу ўта муҳим масала-ку! Керак бўлса, айрим факультет ва бўлимларни мазкур соҳага ихтисослаштирайлик.

Бозорни биладиган, тижорий тафаккурга мойил кишиларни, тадбиркорлар ва серғайрат ишлаб чиқариш ташкилотчиларини тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартирмоқ керак. Бир сўз билан айтганда, менежерлар, маъмурлар, билимдон бошқарувчилар муаммоси ҳал этилиши лозим.

Билимдон, фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятни ҳис этадиган менежерларга кенг йўл берилсин! Мана шу сўзлар доимий шиоримиз бўлиши керак.

Ҳукуматга (Ў. Султонов, В. Ҷжен, А. Азизхўжаев) бир ой муддатда мазкур масалаларни ҳал этиш юзасидан дастур лойиҳаси тайёрлаш топширилсин.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз Ўзбекистоннинг жорий йилдаги иқтисодий, ижтимоий тараққиётини мухтасар таҳлил қилдик. Белгилаган режаларимиз ижросига баҳо бердик. Таҳлил танлаган йўлимиз тўғрилигини, ислоҳот жараёнлари жадаллашаётганини, иқтисодий ривожланишни таъминлаш бош вазифамизга айланганини кўрсатмоқда.

Ўтган олти ой мобайнида қилинган ишлар туфайли асосий мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун пухта замин яратилди.

Бугунги вазифа -- дастурий чора-тадбирларимизни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мавжуд хато-камчиликларни тезда бартараф этишдан иборатдир.

Белимизни қаттиқ боғлаб, ҳар биримиз ўз ўрнимизда зиммамизга юкланган вазифаларни ҳалол ва вақтида бажаришда янада фаол бўлайлик.

Барчангизга бундай эзг

Истеъдодли мусаввир, Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига бир туркум асарлари тақдим этилган Ортиқали Қозоқов устахонасига таклиф этди. У биринчи суратни рўпарамизга қўйди...

Истиқлолни орзу қилганлар

ЧЎЛПОН КЎРГАН ЧИНОРЛАР

(Бадиа)



Шунчалар рангли, шунчалар нурли, шунчалар хаёлий, шунчалар нафис! Кўлидаги мўйқаламига Ҳумо қўниб турибди. Унинг тумшуғидан ранглар тўкилиб, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзодни безамоқда.

— Қачон улгурдингиз? — сўради ҳамроҳим.

— Биласизми, — деди Ортиқали, — ижодда юлдузли онлар бўлиши рост шекилли. Кейинги икки ойда тинимсиз ишлаяпман. Анча асарлар яратдим. Бу асаримни «Руҳият наққоши» деб атадим.

Суратга яна бир бор кўз ташладим. Чини билан руҳият наққоши. Ортиқалига яна бир карра ич-ичимдан қойил қолдим. Сўнг у чорчўпга тортилган бошқа бир суратни рўпарамизга қўйди. Чўлпон эди у! Ўша йилларни, даврларни, рақибларни, душманларни мағлуб этган Чўлпон! Шеърият осмонининг юлдузи.

— Қандай қилиб чиздингиз? — Назаримда овозим ҳам ғалати чиқди-я, тавба! — Чўлпонни ўқиганмисиз?

— Ўқиганман. Бошқаларни билмадиму лекин ўқиб ўзимни қаерга қўйишни билмай юрганман. Мен билган, ўқиган шеърлар Чўлпон шеърлари олдида бирдан хижолат тортиб қолгандек бўлди. Шу муҳаббатим баландлиги боисидан унинг 1990 йилда босилиб чиққан китобига суратлар ишладим. «Баҳорни соғиндим» деб аталарди ушбу китоб.

— Зўр иш қилган экансиз-ку, — сўзга аралашди боятдан бери суратга тикилиб ўтирган ҳамроҳим. — Айниқса, бу йил юз йиллиги нишонланадиган Чўлпоннинг тўйига асарингиз қиёмат совға бўлибди.

— Мақтаманглар, — Ортиқали ўнғайсизланди. — Камчилигини ҳам кўрсатинглар-да.

— Камчилиги битта, — дедим мен. — Уни чорчўпга тортганингиз. Бўлмаса аллақачон биз билан суҳбатга тушиб кетарди бу табаррук зот. Китоб «Чўлпон» нашриётида чиққан эдими?

— Ҳа, — деди Ортиқали. — 1989 йиллар эди. Нашриётдан чақириб илтимос қилиб қолишди. Бунгача ҳам ўндан зиёд китобларни безаганман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг Чўлпоннинг китоби дейишганда юрагим бир орзиқиб кетди. Номини эшитганим, шеърларини ўқиганим шоирнинг китобига сурат ишлашим керак. Унгача Чўлпоннинг бир қанча шеърларини ўқиганимни айтувдим. Айниқса, «Муҳаббат осмонида ажаб Чўлпон эдим дўстлар, Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдимку» сатрларини такрорлайверардим. Китоб бахтга қарши ярим йилдан ортиқроқ вақт «ушланиб» қолди. Ниҳоят 1990 йилда, истиқлолимиз арафасида дунё юзини кўрди. Ўшанда Чўлпоннинг суратини ишлаш нияти қалбимда ғунчалаган эди. Ниҳоят орзум ушалди.

— Чўлпон соғинган баҳорини кўрди, — дедим. — Чунки истиқлолимиз — бизнинг эрк баҳоримиз-да.

...Амир Темур хиёбонидаги чинорлар орасида уч-тўртта жуда ҳам улуғворлари бор. Ҳар гал ўша чинорлар тагидан ўтаётганда уларга кўз ташлайман. «Шу чинорларни Чўлпон кўрганмикин?», деб сўрайман ўзимдан. Шу онда шапалоқ-шапалоқ япроқлар шитирлашадию қулоғимга саслар келади:

— Кўрган, кўрган. Соямизда ҳордиқ олган, илҳом оғушига берилган. Ўзи чинорлигидан, умри боқийлигидан бехабар бизга ҳавас қилган...

...Кўзларида беадад мунг, лекин тийрак. Қўлларида китоб. Узун камзули қора. Белбоғи маҳкам боғланган. Курашга шай. Ортда қип-қизил парда. Худди юзидаги ҳаяжоннинг акси кўчгандек. Ёнбошида қумсоат. Вақт Чўлпон учун ҳечлигининг исботи. Ортида эса шаҳар, қадрдон шаҳри. Бағрида яйролмаган шаҳри...

...Япроқлар шивири оҳангларга айланади. Оҳанглар эса товушларга. Чинорлар эса худди Чўлпонга айланадию оламни ҳали замон шеърга тўлдиради. Шу онда раҳматли устоз, Ўзбекистон халқ шоири Ғайратийнинг бундан чорак аср муқаддам айтган ҳикояси ёдимга тушади...

...Йигирманчи йиллармиди. Бир гал Чўлпонни кўрай деб излаб бордим. Навқирон йигит, беш-олти шеърлари босилган ҳаваскор шоирман. Чўлпон деса менда жон қоладими. Излаб борсам ажойиб бир чорбоғда дам олаётган экан. Чорбоғ кимникилигини ҳалигача эслолмайман.

— Кел, Ғайрат, кел. — Яхши кутиб олди Чўлпон домла. — Шеърларингни ўқиб турибман. Интилавер, ўз йўлинг, ўз қисматинг бор, Ғайрат, аммо адашма. — Кейин менга синчков тикилиб бир кўчанинг номини айтди. — Шу кўчадан ўтдингми?

— Ўтдим, — дедим ҳайрон бўлиб, — нима эди?

— Сочлари нақ тақимини ўпган бир гўзални кўрдингми?

— Кўрдим. — Чиндан ҳам Чўлпон айтган боғ кўчадан келаётиб бир сулув қизга кўзим тушган эди. — Нима эди?

— Нима деди сенга?

— Ҳеч нима. — Устоз шоирнинг бу сўроғидан ажабландим.

— Гўзаллар шунақа. Юзлари ойдек, қошлари.., — Чўлпон домла тутилди.

— Ёйдек, кўзлари юлдузу сочлари қундуз. Эгнида атлас, маҳлиё бўлдим бирпас. — Шунча сўз қаердан келди ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

— Оҳ, Ғайрат, — деди Чўлпон. — Сен дам ол. Чорбоғ кез. Мен ҳозир.

Орадан бир ош пишар муддат ўтди. Мен чой қўйган бўлдим. Дастурхонга тартиб бердим. Ниҳоят юз-кўзларида ҳаяжон Чўлпон домла кўринди.

— Кечир, Ғайрат, — деди у хушҳол. — Пойқадаминг ёқиб, бир шеър битди. — Кейин завқ билан ўқий бошлади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадур: мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал.

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадур: бир қизил ёноққа,
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен,
Айтадур: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни — шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

У кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўрайман сенинг тўғрингда.
Ул-да ўз-ўзидан бекиниб, қочиб,
Айтадур: бир кўрдим тушдамас, ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,
Унинг чун ёнибмен, ёниб куйибмен.
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен.
Мен суйиб, мен суйиб кимни суйибмен,
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Мен сўзларнинг тизилишига, оҳангига, дилбар овозга тамоман маҳлиё бўлиб қолган эдим. Шеър эмас эди у. Шалола эди. Қўлига энди қалам олган ҳаваскор устоз шоирдан илк сабоқни олган эдим.

— Қандай бўлибди, Ғайрат? — Чўлпоннинг товуши мени ўзимга келтирди. Нима дейишимни билмасдим. Чўлпон мен боғ кўчада кўрган хушрўйнинг суратини сўз билан чизган эди...

...Бугун Чўлпоннинг «Гўзал» шеърини қайтà-қайта ўқийман. Ўша гўзал чиндан ҳам боғ кўчадаги жононмикин? Йўқ, дейман ўзимга ўзим. У гўзал — истиқлол, оппоқ тонг, эрк тонги. Чўлпонга эса у гўзал — истиқлол висоли ўша долғали йилларда тушдек бўлиб қолган эса не ажаб. Айниқса, «Унинг чун ёнибмен, ёниб куйибмен, Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен», сатрлари Чўлпоннинг метин маслагидан дарак бермайдими? Ўз элининг эрки учун бошини ҳам тиккан фидойининг онти эмасмикин бу?

Ғайратий домла мени Чўлпоннинг илк шеърларидан ҳам огоҳ этганди. Айниқса, «Ўзбегим», «Мен ҳам севаман» шеърларини ҳасратли бир овозда ўқиб берарди. Кексайган чоғларида хира кўзларида ёш билан бир сўз дегандилар:

— Менинг Ғайратий бўлишимда Чўлпоннинг хизмати жуда катта. Лекин кўнгилларидаги гапни айтмагандилар. Агар ҳаёт бўлганида бугун Чўлпоннинг гўзал шеърининг асл мазмунини айтармидилар.

Талабалик йилларимизда «Тирик сатрлар» баёзи чоп этилган эди. Ундаги шоирларни биз ўша пайтда биринчи марта эшитаётган эдик. Улар орасида Фитрат, Чўлпон, Тошпўлат Саъдий, Абдураҳмон Саъдийнинг номлари бор эди. Негадир китобни дарҳол йиғиштириб олишганди. Биз талабалар ҳайрон эдик. Орамизда чапдастроқларимиз ҳам бор эди. Ўша китобни бошдан-оёқ кўчириб олишган экан азаматлар. Ўша қўлёзма қўлма-қўл бўлиб кетди. Чўлпоннинг «Тонг сирлари» китобини ҳам шу тарзда ўқиганмиз.

Бугун Чўлпон элимизнинг эрка шоири, дилбанди сифатида ўзи орзу қилган оппоқ тонгга эришди, эл эъзозига мушарраф бўлди. Шеърлари эса худди шаббодадек барчага ором бериб турибди.

Чўлпон кўрган чинорлар, Чўлпонни кўрган чинорлар ҳамон адл. Ҳамон елларга эртак сўйлаяпти япроқлар. Худди хиёбондан ҳар саҳар Чўлпон ўтадию унинг лабларидан тўкилиб қолган сатрлар гулларга, майсаларга, япроқларга айланиб қолади. Уларнинг барча-барчаси оҳиста-оҳиста шивирлаётгандек:

Шабнамсевар бир гул эдим,
Аламдийда булбул эдим,
Бир туғилдим, бу дунёга —
Ёронлар қайта келмасмен.

Кўп кун кўрди бу бошим-ей,
Шамол бўлди бардошим-ей,
Ҳарифларни силаб-сийпаб,
Хушомад ила елмасмен.

Қўшиқларим юксак авжли,
Дарё эдим суви мавжли.
Қуритмангиз, қуритсангиз,
Қайта бошдан ҳеч тўлмасмен.

Ҳаёт асал, болдек ширин,
Заҳар берманг бирин-бирин.
Юрагимни кемирмангиз,
Илонларни дўст билмасмен.

Ўлим бор гап бу тақдирда,
Ажал топдим хўр, таҳқирда.
Бевақт кетдим орангиздан,
Бир ўлдим, энди ўлмасмен.

Ягона тилагим: Чўлпон кўрган чинорлар асло қуримасин. Чўлпон юрган йўлларни ғубор босмасин...

...Ортиқалининг суратига қараб туриб, шуларни ўйладим.

— Сиз бахтлисиз, — дедим Ортиқалига. — Чўлпонни, тонг юлдузини яратдингиз. Шу юлдуз сингари мўйқаламингиз чақнасин, биродари азиз.

Ортиқали бир сўз демади. Фақат қўлимни қаттиқ қисиб қўйди. Унинг хонадонига икки киши кириб келган эдик. Қайтганда эса юрагимизда Чўлпонни ҳам олиб кетдик.

Темур УБАЙДУЛЛО.
СУРАТДА: Ортиқали Қозоқовнинг «Чўлпон» асаридан кўчирма.

Андижондан хат

«ТИКО» ЖОННИНГ ҲУЗУРИ ЭКАН...

Мен кекса ҳайдовчиман. 1957 йилдан бери машина рулини бошқараман. Аввал ҳаваскорлар учун бериладиган гувоҳномани олган бўлсам, кейин 3,2 ва ниҳоят 1-классли ҳайдовчилик гувоҳномаларини олишга эришганман. Барча турдаги юк машиналарини ҳайдаб синаб кўрдим. Енгил машиналардан «Москвич-407» дан тортиб «Волга»гача ҳамда чет эл машиналарини ҳам бошқардим.

1972 йили «Жигули» машинаси пайдо бўлганда биринчи марта ишқибозлик билан ундан сотиб олганман. Яқиняқингача мана шу машинанинг 8-турдагисидан олиб миндим. Мақтаниш бўлмасину мен ўзимни синовчи-ҳайдовчиман десам ҳам бўлаверади. Ҳар сафар машина харид қилганимдан кейин кўп ўтмай у ер, бу ерини устага кўрсатишга тўғри келарди. Лекин шундай бўлсада 1996 йилларда «Асака мўъжизаси» деб аталмиш янги машиналар пайдо бўлганда мен ҳам баъзи бир кишилардек «Жигули»ни мақтаб юраверган эдим. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шу бўлса керак-да.

Ўтган йили Бухорога сафар қилдим. У ерда Маҳмуджон Азимов деган қадрдон ошнам бор. Уйига борсам дўстимнинг оғзи қулоғида. У ўшанда Жанубий Кореяда чиққан «Тико» машинасини сотиб олган экан. Уни бир мақтайди, бир мақтайди денг. «Ҳозиргача 250 минг километр юрдим. Ҳали бирор жойи тиқ этганича йўқ. Роса пишиқ ишланган машина экан-да», деди. «Жигули» ишқибози бўлганим учун унинг гапларига унчалик эътибор бермадим. Бир куни машинамнинг мойи ва фильтрини алмаштириш учун устахонага бордим. Уста у ёқ- бу ёқни кўздан кечира туриб: «Хизмат ҳақига 2800 сўм тўлайсиз» деди. «Қиммат-ку» десам, «Эҳтиёт қисмларнинг нархи осмонда, уларни Россиядан олиб келишнинг ўзи бўлмаяпти», деб қолди. Шунда бирдан бухоролик танишимнинг гапи эсимга тушиб қолди. Кейин нима бўлса бўлди, деб ўн йиллик «қадрдоним» — «Жигули» машинамни сотиб юбордим-да, шу йилнинг 8 январида ҳеч иккиланмасдан оқ рангли «Тико» сотиб олдим.

Машинани кўчага миниб чиққан куним баъзи бир танишлар: «Бекор қилибсиз», деб танбеҳ беришди. Бироз кўнглим ҳижил бўлди ҳам. Лекин таваккал қилиб «Тико»ни ҳайдаб юравердим. Мана ҳозир олти ойдан бери у менинг ҳамроҳим. Энди билсам уни сотиб олиб ҳеч адашмаган эканман. Шу вақтгача машинанинг бирор жойига қўл теккизганим йўқ. Шу давр мобайнида икки марта довон орқали Тошкентга бориб келдим. Охирги сафаримда кечаси соат 23 ларда довондан ўтишга тўғри келди. Йўл таъмирланаётгани учун ҳаммаёқ чанг-тўзон эди. Лекин шунга қарамай машинам ўзга енгил машиналарни ортда қолдириб Тошкентдан Андижонга омон-эсон етиб келди. Ҳисоблаб кўрсам ўша куни 978 километр йўл босибман. Шунча масофа учун ҳаммаси бўлиб 45 литр ёнилғи сарфланибди, холос. Бунинг устига «Тико»ни бошқариш қулайлигини айтмайсизми? Салони эса қишда иссиқ, ёзда мўътадил. Хоҳлаган томонингизга иссиқ ёки совуқ шабадани йўналтираверишингиз мумкин.

Биринчи марта «Асака мўъжизаси» деб таърифлаб телевидение орқали «Тико» ҳақида эшиттириш берилганда у, айниқса ёш оилалар учун қулай дейилган эди. Энди билсам бу машина ҳатто олди-сотти қилувчилар учун, шунингдек узоқ йўл юрувчилар ва саёҳат ишқибозлари учун ҳам ўта қулай экан. Айниқса, ёнилғи масаласида ҳеч қийналмайсиз. Машинангизни ҳадеб устахонага олиб боравермайсиз ҳам. У жуда пишиқ ишланган.

Ҳозир менга танбеҳ берган дўстларимнинг ўзлари ҳавас қилиб юришибди. Улар ҳам «Тико» сотиб олиш ҳаракатига тушиб қолишган. Ниятим ҳаммага ҳам мустақил Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган мана шундай пишиқ-пухта машиналарни бошқариш насиб этсин.

Маҳамаджон МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти, Хонобод шаҳри.

Ҳамкорлик

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Суҳбатдошимиз — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги менежмент институти раҳбари Жаҳонгир Жўраев. Маълумки, бу университетда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Университет билан Германиянинг Баден-Вюртемберг экспорт академияси ўртасида ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши бугунги суҳбатимизнинг бош мавзуини ташкил этади.

— Германиялик иқтисодчилар билан ҳамкорликларингиз қандай бошланди?

— Университетимиз билан Баден-Вюртемберг экспорт академияси ўртасидаги ҳамкорликнинг бошланиши ҳақида гапирадиган бўлсам, шуни айтишим керакки, бу ғоя 1993 йилда туғилган. Лойиҳани амалга оширишнинг молиявий томонларини ҳал этиш йўлларини қидира бошладик. Ниҳоят, 1995 йилда Германия Техникавий Ҳамкорлик жамияти бизни молиявий қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

— Лойиҳа мазмунида нималар қамраб олинган?

— Лойиҳа харажатлари муаммоси ҳал бўлгач, биз энди уни амалга оширишга киришдик. Лойиҳа мазмунига келсак, у асосан, иқтисодиёт, аниқроғи экспорт муаммоларига бағишланади. Ана шу соҳада ўзаро тажрибалар алмашиш мақсадида семинарлар ўтказишга қарор қилинди. Ҳамкорлик лойиҳамизнинг биринчи босқичида белгиланган илк семинар Тошкентда ўтказилди. Иккинчи босқич шартларига мувофиқ, йигирма нафар энг яхши семинар иштирокчиларимиз Германияда икки ҳафта давомида билимларини ошириб қайтдилар. Семинар давомида назарий машғулотлар билан бирга амалий тадбирлар ҳам ўтказилди. Талабаларимиз, жумладан, Германиянинг турли шаҳарларидаги жуда кўплаб фирма ва концернларда бўлишиб, уларда иқтисодий масалалар, хусусан, экспорт ишлаб чиқариши жараёни билан яқиндан танишдилар. Жаҳонга машҳур «Мултикар» заводи, «Метро» савдо маркази, Тюрингия ўлкаси ҳукумат идораси ва бошқа жуда кўплаб жойларда бўлдилар. Семинар якунида немис ҳамкасабаларимиз ҳамюртларимизнинг иқтисодий билимларини юқори баҳоладилар. Лойиҳа доирасида ҳамкорлик алоқаларимиз шу билан чекланиб қолгани йўқ, биз янги таклифлар устида иш олиб бормоқдамиз.

Мирзаали АКБАРОВ суҳбатлашди.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ШАРА-БАРА» ҚАЧОН КЕЛАРКИН...»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 2 июнь сонида шундай сарлавҳа остида чоп этилган мақолада шаҳримизда аҳолидан бўш шиша идишларни қабул қилиб олишдаги камчиликлар аниқ далиллар билан танқид қилинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Озиқовқатсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Б. Ж. Холмуҳамедов имзоси билан жавоб мактуби олди. Жавобда жумладан шундай дейилади:

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1997 йил 2 июнь сонида чоп этилган «Шара-бара» қачон келаркин...» мақоласи «Озиқовқатсаноат» уюшмаси жамоасида ўрганиб чиқилди.

Мақолада кўтарилган масала жуда долзарб мавзу бўлиб, ҳақиқатан ҳам савдо корхоналарида, аҳолида бўш шишалар йиғилиб қолган. Бунга бир тарафдан, йил бошидан қишнинг совуқ кунларида саноат корхоналари кам маҳсулот ишлаб чиқарганликлари сабаб бўлса, иккинчидан бўш шишаларни аҳолидан йиғиб олиб, саноат корхоналарига қайтаришда аниқ бир келишилган тизимнинг йўқлиги ҳамда республикага четдан кўплаб миқдорда пиво, маъданли сувларнинг келтирилаётганлигидир.

Корхоналардан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, улар савдо тармоқларидан ўзлари етказиб берган маҳсулот сонидан кўп бўш шиша идишлар қабул қилаяптилар. Масалан, фақат биргина «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ўтган йили савдо тармоқларига 69,936 миллион дона 0,5 литр ҳажмида ва 14,423 миллион дона 0,33 литр ҳажмидаги идишларда маҳсулот бериб, улардан 75,884 миллион дона 0,5 литр ҳажмдаги ва 15,54 миллион дона 0,33 ҳажмдаги бўш шиша идишларни қабул қилганлар. Яъни 5,948 миллион дона 0,5 литр ҳажмдаги ва 1,117 миллион дона 0,33 литр ҳажмдаги бўш шишалар шартномадаги миқдордан ортиқ қабул қилинган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ўтган йили 3,35 миллион дона 0,33 литр ҳажмдаги ва 3,905 миллион дона 0,5 литр ҳажмдаги янги шиша идишлар олди холос. Агар бу сонларни қайтарма идиш миқдори билан таққосласак, янги идишларнинг 0,5 литр ҳажмлиси қабул қилинган қайтарма шиша идишларнинг атиги 3,7 фоизини, 0,33 литр ҳажмлиси эса 23,2 фоизини ташкил қилади.

Шаҳарни маъданли сув билан таъминловчи корхона — «Шифобахшбулоқ» ҳиссадорлик жамияти ўтган 5 ой мобайнида «Тошкентсавдо» тизимига 5,24 миллионта тайёр маҳсулот етказиб берди ва 6,453 миллионта бўш шиша қабул қилиб олди.

«Бешёғочпиво» ҳиссадорлик жамияти эса ўтган йили етказиб берган маҳсулотдан 0,22 миллион дона кўп бўш шиша олган бўлса, ўтган 5 ой ичида 2,85 миллион дона маҳсулот етказиб бериб, 2,85 миллионта бўш шиша қабул қилган.

Ўтган 5 ой давомида корхоналаримиз бир дона ҳам янги шиша олмадилар.

Савдода бўш шишаларнинг йиғилиб қолишига Тошкент «Лаззат» яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг «Олой» бозори ҳудудидан янги ҳудудга кўчирилиши ҳам маълум маънода сабаб бўлди. Бу корхона шаҳар аҳолисини яхна ичимликлар билан таъминловчи асосий корхона эди. Ҳозирги кунда янги ҳудудда яхна ичимликларни чиқаришни ташкил этиш бўйича сўнгги ишлар амалга ошириляпти, бу эса савдо тармоғидан камида 200 минг дона шиша олиш демакдир.

Корхоналар айланма маблағининг етарли даражада эмаслиги бўш қутиларни чекланмаган миқдорда сотиб олиш имконини бермайди. Ҳозирги кунгача қутилар билан Янгийўлда жойлашган «Металлопластмасс» корхонаси таъминлаб келмоқда. Мазкур ташкилот билан савдо тармоқлари, агар айланма маблағлари шуни тақозо қилса, шартнома тузиб, ўзлари учун қутилар харид қилсалар ва уларни муомалага қўйсалар ёмон бўлмас эди.

Ёзнинг иссиқ кунларида чанқовбосди ичимликларга бўлган эҳтиёжнинг кескин кўпайиши, «Лаззат» яхна ичимликлар корхонасининг ишга туширилиши тез кунларда савдо тармоқларидаги бўш шишалар сонининг камайишига олиб келади».

Ибратнома

ТАКАББУРЛИК БЎЛАДИ

Имом Содиқ бир куни ҳаммомга киришни ихтиёр қилдилар. Ҳаммом соҳиби улуғ кишиларга эҳтиром юзасидан уларнинг ўзлари учун ҳаммом ҳозирламоқчи бўлди. У Имом Содиққа деди:

— Ижозат берсангиз ҳаммомдагиларни чиқариб юбораман.

Имом Содиқ дедилар:

— Йўқ, бундай қилиш шарт эмас.

— Нега, ё бин Расулуллоҳ?!

— Чунки барча инсонлар Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандларидир. Ҳаммага бир хилда муносабатда бўлиш керак. Зеро, агар ҳаммом фақат мен учун хизмат қилса такаббурлик бўлади. Мўмин киши покизаликда, иймонда шундай улуғки, у мана шу айтилган сўзлардан ҳам енгилроқдир. Унинг руҳи шундай енгил ва тозадир.

ПИНҲОН ХАЗИНА

Бир нодон кишининг бир халта тилласи бор эди. У дарахтзорлар орасида ерни ўйиб чуқурча ясади ва тиллаларни халтаси билан у ерга қўйди. Кейин чуқурчани тош билан беркитди. У киши ҳар куни тиллалар қўйилган жойга келарди. У ердаги тошни бир четга суриб, бармоқларини чуқурчага тиқиб, тиллаларни ушлаб кўрарди. Бу ишидан у ўзича ҳузурланарди. Бир куни у яна келди. Тошни суриб, аввалгидек бармоқларини чуқурчага тиқди. Қараса у ерда тиллалар йўқ. Кўп афсус-надоматлар чекиб, қаттиқ асабийлашди.

Нодон кишининг навкарларидан бири унинг яширин хазинасидан хабар топган эди ва пайт пойлаб тиллаларнинг ҳаммасини ўғирлади. Нодон киши яқин дўстларидан бирининг ҳузурига борди ва бўлиб ўтган воқеани дўстига тушкун кайфиятда сўзлаб берди.

Дўсти деди:

— Ғамгин бўлишдан ҳеч фойда йўқ. Зероки, тилларинг борида тинчинг, ҳузур-ҳаловатинг йўқ эди. Энди эса ҳеч ташвишинг йўқ. Тиллалар кишига фақат беҳаловатлик келтиради. Чуқурча эса жойида турибди. Ҳар қанча хоҳласанг, у ерга бармоқларингни тиқишинг мумкин.

ЖИСМАН ЭМАС, РУҲАН

Бир гуруҳ ёшлар ўзларининг жисмоний қувватларини синаш учун мусобақа уюштирган эдилар. Майдонда катта тош турарди ва ҳар ким қуввати етганича уни санаб кўтарарди. Шу пайт бир донишманд келди ва деди:

— Нима қилаяпсиз?

— Ўз кучимизни синаяпмиз. Орамизда ким кучлироқ эканлигини билмоқчимиз.

Донишманд деди:

— Ким кучлироқ эканлигини айтишимни истайсизми?

Тўпланганларнинг ҳаммаси донишманд қайси биримизни ғолиб деб айтаркан, деб ҳайрон бўлиб туришарди.

Донишманд деди:

— Ҳаммадан кучли ул кишидирки, бирон мавқени ёки мол-мулкни қўлга киритиш деб инсонийликни йўқотмайди. Агар бир нарсадан жаҳли чиқса, унинг руҳида ғазаб мавж уради, лекин ғазабини юзага чиқармайди. Ёлғон ва бўҳтонга оғиз жуфтламайди. Инсон жисмангина эмас, руҳан ҳам қувватли бўлмоғи керак.

Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Кўприкдан зилол сув яна ҳам шаффоф бўлиб кўринади.

Рашид Галиев олган сурат.

Сергели тумани маҳаллаларида соғлом ижтимоий муҳит яратиш, хотин-қизларнинг уй шароитида фойдали меҳнат билан фаол шуғулланишларини янада рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Танловлар

МАҲАЛЛА ЧЕВАРЛАРИ

Яқинда бу ердаги маҳалла чеварлари ўртасида «Йилнинг энг моҳир чевари» кўрик-танлови ўтказилди. Туман ҳокимлиги, маънавият бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, шунингдек, «Камолот» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамкорликда уюштирган ушбу танловда ўн нафар энг моҳир чеварлар қатнашдилар. Синчков ҳайъат аъзолари чеварлар тиккан либосларнинг бичими, танланган мавзу ва маҳаллий шароитга мослиги каби шартларнинг бажарилганлигига қараб баҳоладилар.

— Бу кўрик-танловни маҳаллалардаги аёллар илиқ кутиб олишди, — дейди Сергели тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Феруза Орипова. — Танловда қатнашган чеварларнинг мижозлари, маҳоратлари ҳам ошади.

Танлов натижасига кўра, бир хил баҳо олган икки чевар — Зиёда Раҳимова («Ёркин ҳаёт» маҳалласи) ва энг ёш иштирокчи, 17 ёшли Камолахон Баратова («Қумариқ» маҳалласи) лар биринчи ўринга муносиб деб топилди. Кейинги ўринлар «Оқибат» маҳалласидан Сайёра Пўлатова ҳамда «Иттифоқ» маҳалласидан Дилфузахон Маҳсудоваларга насиб этди.

Ғолибларга кўрик-танлов ҳомийлари томонидан таъсис этилган совғалар топширилди.

Беҳзод ҲАСАНОВ.

Ажойиботлар

«БИГ БЕН»НИ ТЎХТАТГАНДИ

Ҳозирги кунда жаҳонда Ури Геллернинг олдига тушадиган экстрасенс топилмаса керак. У ҳар қандай нарсага бир нигоҳ ташласа бас, синдиради.

Ури ҳақида олимлар ўнлаб китоблар ёзишган. Унинг қадами етмаган ўлкалар йўқ ҳисоб. Ёш экстрасенснинг имконият ва қобилиятларини ўрганиш учун жуда кўп мамлакатларнинг олимлари ҳозир ҳам тадқиқот олиб боришаяпти. Урининг айтишича ундаги парапсихологик қобилият беш ёшида катта кучланишдаги электр токи урганидан кейин пайдо бўлган. Шундан сўнг у Исроилдаги тўғаракларга қатнаб, қошиқ, пичоқларни бир нигоҳда эгиши билан томошабинларнинг эътиборига тушди. Ури АҚШга борганда унинг ғайри оддий қобилиятини ўрганиш учун бирданига ўнлаб илмий ташкилотлар ёпирилишди. Лекин ҳалигача ҳеч ким бирор тайинли гап айтмаяпти. Энг қизиғи Ури Англияда бўлганда Лондондаги машҳур «Биг Бен» соатини узоқ масофада туриб қандай тўхтатиб қўйганлиги ҳамон жумбоқлигича қолаяпти.

НАФАС ЧИҚАРСА АТРОФ ЁНАДИ

Бир пайтлар АҚШ матбуоти Андервуд исмли ҳабашнинг иши билан шахсан мамлакат президентининг ўзи шуғулланаяпти, деб ёзганди. Хўш, у жамият учун шунчалик хавфли одаммиди?

Ўша Андервуд нафас олиб нафас чиқариши билан қаршисидаги нарсалар ёниб кетарди. Бир куни ёш қора танли шифокор Л. Вудмандан ёрдам сўрайди. Докторнинг таъкидлашича Андервуд сочиқни оғзига маҳкам босганча нафас ола бошлайди. Орадан икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас сочиқ алангаланиб ёнадию кулга айланади. Навбатдаги тадқиқотлардан бирида Андервудни батамом ечинтиришди, оғзини муздек сув билан чайишди. Ҳар қандай гумонларга ўрин қолмаслиги учун томоғи, тиш ораларигача узоқ текширишди. Шундан кейин ҳам у нафас чиқариши билан ҳовлидаги ҳазонлар ёниб кетди. Врачлар Андервуднинг оғзини турли суюқликлар билан чайишса ҳам натижа бермади. Андервуд ўз устида шифокорлар узоқ тадқиқот ўтказишларига рози бўлди.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.

«Санитария маданиятисиз — умуман маданият йўқ». Алломанинг айтган бу сўзлари ибратлидир. Лекин гўзал қиёфа кашф этаётган азим шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бироз четга чиқсангиз нохуш манзараларга ҳам дуч келасиз. Бу ерда узоқ муддат сақланиб қолган ахлат уюмларини кўриб таъбингиз хира тортади. Яқинда озодалик юзасидан Миробод тумани ҳокимлигининг «Маҳаллам — масканим» бўлими билан ҳамкорликда ўтказган текширувимизда ҳам ибратли, ҳам нохуш ҳолларга дуч келдик.

Покизалик

НОХУШ МАНЗАРАЛАР АЙБДОРИ КИМ?

Масалан, бизга Абдулла Авлоний маҳалласидаги тартиб-интизом, покизалик хуш келди. Унинг кўчалари бўйлаб кезамиз. Ҳаммаёқ бирдек ораста. Хонадонларнинг ички ва ташқи ҳовли-майдонлари супуриб-сидирилган. Эшик олдига сув сепилган. Бундан бир неча йил муқаддам ўтказилган нав-ниҳоллар бугун кўкка бўй чўзиб қолган. Уларнинг соя - салқини кўчалар ҳуснига ҳусн бағишлайди.

Яна шуни айтиш керакки, туман маҳаллалари ва кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида ахлатларни дуч келган жойга тўкиб ташламаслик, ўз ҳудудини озода тутиш ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилган. Буни назорат қилиб туриш юзасидан эса маҳаллаларда алоҳида ҳайъат тузилган. Уларга тажрибали ободончилар бошлиқ этиб қўйилган.

Улар омма ўртасида фаол иш олиб боришмоқда. Бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин биз сафаримиз давомида асосий эътиборни нохуш манзараларга қаратганимиз учун шу ҳақда кўпроқ сўз юритишимизга тўғри келади. Мана, бир нечта мисоллар.

Сайид Барака кўчасини кеза туриб бир неча жойда махсус ахлат идишлари қўйилган бўлишига қарамай, кўчанинг қоқ ўртаси каттагина ахлатхонага айлантирилганининг гувоҳи бўлдик. 18-уйдан чиққан ёшгина бир аёл қўлидаги челакдаги қолдиқ ва чиқиндиларни ахлат қутисига эмас, шундоққина кўчанинг ўзига тўкди. Уни тўхтатдик.

— Гапира қолинг гапингизни, — деди у бурилиб кетаётиб.

— Кечирасиз, нега яшик қолиб челакдаги ахлатни кўчанинг ўртасига тўкдингиз?

— Сизга нима, хўжайинмисиз?

— Ахир шундоққина эшигингиз олди ахлатхона бўлиб ётишидан уялмайсизми? Бунинг устига эртага пашша ва чивинлар кўпайиб кетганлигидан норози бўласиз.

— Улар билан курашадиган ташкилот бор. Бекор ўтиравермай келиб ўз ишини бажарсин.

Биз шу уйнинг 7-хонадонида истиқомат қилувчи бу аёлга озодагарчиликка риоя қилишни, эшик олдини покиза ва ораста сақлаш лозимлигини уқтирдик.

— Озодагарчилик ҳаммага ҳам ёқади. Агар билсангиз йўлагимизни супурадиган фаррош бир неча кундан бери келмайди. Бу билан сизларнинг ишингиз йўқ. Пулини олгандан кейин ўз ишини дўндириб бажарсинда.

У билан баҳслашиб ўтириш бефойда эди...

Машинамиз Абдурауф Фитрат кўчаси бўйлаб борарди. Кўча анча обод, саранжон-саришта.

Лекин 6-уй рўпарасига келиб, яна бир нохуш ҳолатга дуч келдик. Бу ерда ҳам ахлатлар махсус идишларга эмас, балки пала-партишлик билан кўча чеккасига тўкиб ташланганди.

Ўзини Евгения Маркова Цой деб таништирган аёл бизга ҳасрат қила кетди:

— Ахир бу ахлатхонани қачон йўқ қиласизлар? Қачонгача чивин ва пашшаларга таланиб ётамиз?

— Ўзингиз нега қоидабузарлик қиляпсиз?

— Бир мен эмас, ҳамма ҳам ахлатини шу ерга тўкади.Бизни текширгунча ахлат машинани юборинглар.

Ўзи озодаликка риоя қилмай, ўзгалардан буни талаб қилиб турса қизиқ бўларкан.

Фарғона йўли кўчасида жойлашган 3-уйнинг 2-хонадони истиқоматчиси Надежда Игнатьева ва «Олтинкўл» кўчасидаги 6-уйнинг 4-хонадонида яшовчи Виктор Саралемлар билан ҳам учрашувимиз шу тариқа бўлди.

Фарғона йўли кўчасидаги уй-жойларнинг кўпчилигида жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Хусусан, 132-уйда яшовчилар ўз ҳовли-жойларини озода сақлашади. Лекин қурилишдан чиққан барча чиқиндиларни кўчага олиб чиқиб ағдаришади. Бордию ўзлари «барпо» этган ушбу ахлатхона узоқ муддат туриб қолса дарҳол уни йўқотишни талаб қилишади. Агар ҳашар ҳақида оғиз очсангиз: «Ҳозирча бунга ҳеч кимнинг бўш вақти йўқ», дейишади.

Энди сизга бир савол. Машиналарга ортилган ахлатлар қаерга олиб бориб ташланади? Махсус ахлатхоналарга, дейсизми? Тўғри жавоб.

Лекин бу борада ҳам узоқ масофани қисқа қилувчи ҳайдовчилар бор экан. Ҳайрон бўлманг. Мана уларнинг баъзи бирларининг рўйхати. Роберт Цой—Ҳамза тумани ички ишлар бошқармасининг қурилиш бошқармасига қарашли давлат рақами 75-63 ТНА машинаси ҳайдовчиси. Анвар Раҳматуллаев — 10-автокорхона ҳайдовчиси. Шунингдек, давлат рақами 09-54 ТНП ва 03-72 ТНЗ, 40-51 ТНБ ахлат машиналарининг бошқарувчиларини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Улар ўз машиналарига ортилган чиқиндиларни шаҳар ташқарисидаги ахлатхонага эмас, балки Тошкентимиз ҳудудидаги овлоқроқ пасткам кўчаларга тўкиб кетишни одат қилиб олишибди. Энди ўзингиз айтинг. Уларнинг бу қилмишини нима деб аташ мумкин?

Текширувимиз давомида турли касбдаги кишилар билан учрашдик, улар билан суҳбатлашдик.

— Ҳозир маҳаллаларга катта имконият берилди. Шундай экан, қайси маҳалла ҳудудида нохуш ҳолат учраса, биринчи навбатда маҳалла фаолларидан талаб қилиш керак. Улар ўзлари яратган ахлатхонани ҳашар уюштириш йўли билан тозаласинлар. Ана шундагина одамлар ахлатни дуч келган жойга ўйлашиб ташлашадиган бўлишади, — дейди кекса отахон Саидазим Баҳромов.

— Ҳар бир хонадон ҳудудини ўзи озода сақласин, супуриб-сидирсин. Аждодларимиздан қолган бу яхши удумни тарк этиш гуноҳи азим ҳисобланади. Илгари келин-келбатлар, бўйига етган қизларимизнинг ахлоқ - одоби, қанчалик орасталиги эшик олди ва ҳовли жойларнинг тозалиги билан ўлчанарди, — дейди унинг сўзини маъқуллаб кекса онахон.

— Хонадонимиздан чиққан ахлатларни олиб кетиш учун келадиган машиналар ҳар куни бир маҳал белгиланган участкаларини айланишни тарк этмасликлари лозим, — дейишади бизга кўпчилик уй эгалари.

Ҳарқалай бу гаплар ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайдиган гаплардир. Чиндан ҳам бугун юртимизнинг обод ва озод шаҳри Тошкентимиз келажакка юз тутаётган экан, унинг янада гўзаллашуви, файзли ва тароватли бўлиши ҳақида ҳаммамиз жон куйдиришимиз керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: Миробод тумани ҳудудида учраган баъзи бир нохуш манзаралар тасвирланган.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шахсий хонадонларда яшайдиган ва ёниш маҳсулотлари дудбўронлар орқали чиқиб кетадиган асбоблардан фойдаланувчи фуқаролар диққатига!

«Тошгаз» бошқармаси 1997-1998 йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан режалаштирилган ҳолда печкачи мўри тозаловчилар томонидан газ асбобларидаги шабадалатиш каналлари ва мўрконларини оммавий равишда туманлар бўйича текширувдан ўтказишларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамияти:
— Миробод, Шайхонтоҳур, М. Улуғбек, Чилонзор;
«Т — Нуробод» кичик корхонаси:
— Ҳамза, С. Раҳимов, Яккасарой, Бектемир;
«Олимжон» жамоа корхонаси:
— А. Икромов, Юнусобод, Сирғали.

Мўрконларни текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш ва таъмирлаш масалалари бўйича жойингиздаги туман газ идораларига ҳамда Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамиятига (Темур Малик кўчаси 114-уй), «Т-Нуробод» кичик корхонаси (Алиев кўчаси 72-уй), «ОЛИМЖОН» жамоа корхонасига (Лангар кўчаси 161-уй) мурожаат қилинсин.

Мўрконларни, шабадалатиш каналларини текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш, таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар ўзлари билан шахсий гувоҳномаларини олиб юришлари шарт. Муддати ўтиб кетган гувоҳномалар бекор ҳисобланади.

Мўрконларнинг ишга яроқлилиги тўғрисидаги актлар ўз вақтида туман газ идораларига топширилмаса, газ асбоблари туман газдан фойдаланиш хизмати ходимлари томонидан огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

«ТОШГАЗ» бошқармаси.

Тошкент оқшоми

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан махсус лицензия олган врач хусусий клиникасида ишлаш учун ҳамшираларни (25—40 ёш)

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Тел: 61-58-33, 133-97-04, 29-18-89, 75-15-60.

Очиқ турдаги «Ўзбекфильм» акционерлик жамияти раҳбарияти киностудия ходими Чингиз Расулович Шокировга онасининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкентсавдо» бирлашмасининг жамоаси «НИЛУФАР-БАҲОДИРХОН» масъулияти чекланган корхонасининг раиси Б. Х. Эшонхўжаевга акаси

Боситхон ЭШОНХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 133-08-74, 136-57-65. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0438. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 5.818 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.